

# Qishloq hayoti

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

2020-yil 17-sentabr, payshanba 47 (9084)-sonlar

e-mail: info@qishloqhayoti.uz

## СУВ ТЕЖОВЧИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида  
16 сентябрь куни сув ҳўжалигида тежамкор технологияларни жорий этиш  
ва давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш  
чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.**

Минтақамизда сув танқислиги билан боғлиқ вазият йилдан-йилга мураккаб-лашиб бормоқда. Охириги 10 йилда, мисол учун, Ўзбекистонда сув ҳажми 12 фоизга, ўтган йилгига нисбатан эса бу йил 15 фоизга камайган.

Пахта ва ғалла етиштириш учун сарфланаётган электр энергияси ҳамда сувни етказиб бериш харажатлари ҳам кўп. Хусусан, 2,5 миллион гектар майдонни суғориш учун 5 мингдан зиёд насос ишлатилиб, йилига 8 миллиард киловатт соат энергия ва 2,4 триллион сўм бюджет маблағлари сарфланмоқда. Бир гектар майдонга сувни насослар орқали етказиб бериш учун бюджетдан ўртача 800 минг сўм харажат қилинади. Эгитлаб суғориш оқибатида йилига қарийб 5-6 миллиард куб метр ёки 20 фоиз сув далада беҳуда сарфланмоқда.

Бундай шароитда сувни тежаш ва ҳисобини юритиш ҳар доимгидан ҳам долзарб масаллага айланган. Ўтган икки йилда Президент ва ҳукуматнинг шу соҳага доир 11 та қарори қабул қилиниб, ҳамма шароит яратиб берилди.

Лекин, йиғилишда таъкидланганидек, бажарилган ишлар имконият даражасида эмас. Масалан, шу пайтгача 285 минг гектар, яъни бор-йўғи 7 фоиз ерда сув тежовчи технологиялар жорий этилган. Бу борада, айниқас, Қашқадарё, Бухоро, Хоразм вилоятларида қолоқлик бор. Фурқат, Бука, Чиноз,

Сардоба, Тахтақўпир, Қораўзақ, Касби, Қизилқум, Музработ туманларида сув тежовчи бирорта ҳам лойиҳа татбиқ қилинмаган.

Шу боис видеоселекторда сув ҳўжалигидаги ишлар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва туманлар кесимида танқидий таҳлил қилиниб, ғалдаги муҳим вазифалар муҳокама этилди. Келгуси йилда сув тежовчи технологияларни жорий этишни 600 минг гектарга етказиш режа қилиб қўйилди. Бунинг учун давлат бюджетидан зарур маблағ йўналтириш, ташаббускорлар харажати билан бир қисмини қоплаш учун субсидия бериш, шунингдек, халқаро молия ташкилотлари ресурсларини жалб қилиб, салоҳиятли фермер ҳўжаликлари ва кластерларга тижорат банклари орқали кредит ажратиш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Сув тежовчи технологиялар қамрови кенгайтириш билан уларни ишлаб чиқаришга ҳам талаб ошади. Бирок, юртимизда шунга ихтисослашган 13 та корхонанинг қуввати келгуси йил эҳтижининг ярмини қоплашга ҳам етмайди. Шу боис мутасаддиларга Самарқанд, Тошкент ва Наманган вилоятларида сув тежовчи технологиялар учун усуналар ишлаб чиқарувчи корхоналар ташкил этиш вазифаси қўйилди.

Соҳадаги яна бир инновация – кластерлар 3 минг гектардан зиёд экин майдонини лазер ёрдамида текислаш орқа-

ли сув сарфини 20-25 фоиз, ўғитни 15 фоиз тежашга, ҳосилдорлиқни камида 10 фоизга оширишга эришган. Давлатимиз раҳбари бу тажрибани кенг қўллаб, пахта, ғалла ва шולי майдонларини лазер ёрдамида текислаш муҳимлигини таъкидлади. Молия вазирлигига ушбу технологияни жорий қилишга Қишлоқ ҳўжалиги жамғармасидан камида 250 миллиард сўм кредит ажратиш топширилди.

Жорий йилда Қуйичирчиқ, Нарпай, Булунгур, Сардоба, Нишон, Касби туманларида сув ҳўжалиги объектлари хусусий шериклик асосида тадбиркорларга берилиб, намунавий лойиҳа амалга оширилмоқда. Бу орқали мазкур иншоотлар модернизация қилиниб, эксплуатация харажатлари анчайин қисқаради. Йиғилишда бундай лойиҳаларни бошқа ҳудудларда ҳам жорий этиш бўйича топшириқлар берилди.

Сув исрофига сабаб бўлаётган муаммолардан яна бири шуки, бугунги кунда 3 мингдан зиёд сув ўлчаш постларининг атиги 2 фоизи, 400 та йирик сув объектининг 2,5 фоизидан бошқариш тизими автоматлашган, ҳолоё. Шу боис Сув ҳўжалиги вазирлигига йил якунигача 150 та, келгуси йилдан барча ўлчаш постларида сувни онлайн режимда назорат қилувчи автоматлашган тизим жорий этиш вазифаси юклатилди.

Маълумки, бу йилдан қишлоқ ҳўжалиги корхоналарига сув солиғи бўйича

берилган имтиёзлар бекор қилинди. Шу билан бирга, сувдан фойдаланганлик учун солиқ ставкаси 50 фоизга пасайтирилди. Президент ушбу қамайтирилган ставкани келгуси йилда ҳам сақлаб қолиш зарурлигини таъкидлади.


Суғориш меъёрларини ҳисоблаш методикасини БМТнинг Озёқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги ташкилоти (ФАО) талабларига мослаштириш, сув ҳисоблагичлар ўрнатган истеъмолчиларни рағбатлантириш юзасидан вазифалар белгиланди.

“Ўзбекиликсаноат” уюшмасига коллектор сувларида балиқчиликни ривожлантириш бўйича топшириқ берилди. Наманган тажрибаси асосида гидрогеологик қидирувларни кенгайтириб, ерости сувларидан самарали фойдаланиш зарурлиги қайд этилди.

Йиғилишда сув ҳўжалиги соҳасида фан ва таълимни ривожлантириш масаласига алоҳида аҳамият қаратилди. Ирригация ва мелиорация объектларини барпо этиш ҳамда реконструкция қилиш ишларига илмий ходимларни бириктириш муҳимлиги таъкидланди. Бу орқали фан намоёндалари объектларнинг лойиҳаолди ҳўжатларини тайёрлашдан уларни фойдаланишга топширишгача бўлган жараёнларда қатнашиб, қурилиш ишларини илмий-техник жиҳатдан кузатиб боради. Фан ва амалиёт уйғунлиги таъминланиб, келгусидаги лойиҳалар пухта ишлаб чиқишида кўл келади.

Видеоселектор йиғилишида муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасадди вазирлик ва идоралар раҳбарлари, вилоят ва туман ҳокимлари ахборот берди.

ЎЗА



Фарғона вилояти

## ИПАК ҚУРТИДАН 84 ТОННАДАН ОРТИҚ КУЗГИ ҲОСИЛ ОЛИНДИ

**Фарғона вилоятида 2 минг 100 қути кузги  
ипак қуртини 3 минг 770 нафар пудратчи  
пиллакорлар интенсиус усулда парваришлади.**

Ҳар қути қурт уруғидан олинган ҳосил салмоғи 40 килограммдан ошди.

– Пиллачилик сердаромад соҳа, меҳнат қилган одам барака топади, – дейди уста пиллакор Хайрулла Тешабоев. – Фарғона тумани “Агропилла” масъулияти чекланган жамияти билан ҳамкорлик қиламиз. Баҳорги мавсумда 3 қути ипак қуртидан 280 килограммдан ошириб ҳосил олдик. Даромад 4 миллион сўмдан ошди. Кузги пилладан ҳам яхши хирмон кўтардик. Уйимизга яқин ҳудудда тут плантациялари ташкил қилганмиз. Кўчатлар оралиғига рўзгоримиз учун керакли сабзавот экинлари экамиз. Эндиликда тут плантациясининг ўзида ипак қурти парваришлаган ихтисослашган ёнги типдаги кўчма қуртхона қуриш борасида иш олиб бораёلمиз.

Юртимиз иқлим шароити мавсумда 3-4 марта ипак қурти парваришlash учун қулай. Такрорий пилла парваришlashни ривожлантириш борасида олиб борилаётган ҳаракатлар нафақат хом ашё, балки тайёр ипак матолари ишлаб чиқариш тармоқлари фаолиятини кенгайтириб, экспортни ошириш имкониятини берапти.

– Эндиликда маҳаллий шароитда юқори навли ипак қурти уруғлари ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда, – дейди вилоят “Агропилла” масъулияти чекланган жамияти раиси Маъсуджон Қосимов. – Жорий мавсумда ипак қурти уруғи етиштирувчи 2 та корхона томонидан 35 минг қутидан зиёд уруғ ишлаб чиқарилди. Келаси мавсумдан бошлаб қурт уруғлари бутунлай маҳаллийлаштирилади. Бундан ташқари, ипак матоларни тайёр маҳсулот сифатида экспортга йўналтиришга эътибор қаратилаяпти. Шу йилнинг ўзида пиллани қайта ишлашга ихтисослашган корхоналарда ипак гиламлар тўқиш йўлга қўйилди.

Бу янги иш ўринлари яратиш, тут плантациялари ташкил этиш, мавжуд тутзорлар ҳосилдорлигини оширишда кўл келмоқда.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, кузги ипак қуртидан 84 тоннадан ортиқ саноат хом ашёси териб олинди. Ўтган саккиз ойда пиллакорларнинг вилоят экспортига қўшган улуши 3 миллион 887 минг АҚШ долларини ташкил қилмоқда.

**М.СУЛАЙМОНОВ,  
ЎЗА мухбири.**

### Сирдарё вилояти

**Сирдарё иссиқлик электр станцияси  
мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган  
электр энергиясининг учдан бир қисмини  
етказиб беради. Ўтган 40 йил ичида бу  
ерда модернизациялаш ишлари амалга  
оширилмаганлиги натижасида турбиналар  
эскириб, генераторлар қуввати пасайиб кетганди.**

## КОРХОНА ҚУВВАТИ ҲАМ ТЕЖАМКОРЛИГИ ҲАМ ОШАДИ

Давлатимиз раҳбари 2016 йил 1 октябрда мазкур корхона фаолияти билан танишиб, уни модернизациялаш бўйича зарур топшириқлар берди. Шундан кейин иссиқлик электр станциясида босқичма-босқич турбина ва генераторларни таъмирлаш, янгилаш ишлари бошлаб юборилди. Дастлаб 5-блоқда модернизациялаш ишлари олиб борилди. Айни вақтда 6-энергоблокни модернизациялаш кизгин давом эттирилмоқда. Олиб борилаётган таъмирлаш самарасида генераторларнинг 20 йил тўла қувватда ишлашига эришилади ва ишлаб чиқарилаётган электр энергияси қуввати 75 мегаваттга ошиб, 325 мегаваттга етказилади. Бу 2,5-3 миллион хонадоннинг электр энергия таъминоти яхшиланади, демакдир.

Сирдарё иссиқлик электр станциясида модернизация ишларини Россиянинг машҳур “Силловые машины” компанияси энергетиклари амалга оширишмоқда.

– 6-блокни таъмирлаш, модернизациялаш ишларида “Силловые машины” компанияси муҳандис-техниклари билан ёнма-ён туриб меҳнат қилаёلمиз, – дейди Сирдарё иссиқлик эдект станциясининг муҳандиси Шамил Бегимқулов. – Иккита блоқда турбина ва генераторларни сошлаш, автоматик бошқарувчи тизимли йўлга қўйиш электр ишлаб чиқариш қувватини кескин ошириш билан бирга йилига 180 миллион кубометр газни иқтисод қилиш имконини ҳам беради. Ноябрь ойи охиригача 6 блоқда сошлаш, модернизациялашни тугаллашнинг мақсад қилиб қўйилганлиги шубҳасиз аҳоли хонадонлари, ўнлаб ишлаб чиқариш корхоналарида электр таъминот янада яхшилланишига хизмат қилади.

Корхонада модернизациялаш ишларини босқичма босқич олиб бориш кўзда тутилган. Белгиланган дастурга кўра, 2021-2023 йилларда 9 ва 10-энергоблоклар ҳам тўлиқ таъмирланиб, технологик янгиланади ва ИЭС мамлакатга барқарор энергия етказиб берадиган нуруналлар сафидан мустахкам ўрин олади.

**Бозорбой БЕКМУРОДОВ,  
“Qishloq hayoti” мухбири.**

### Қашқадарё вилояти

## ҒУЗОРДА “SOY CITY” ҚУРИЛИШИ РЕЖАЛАШТИРИЛМОҚДА

**Ғузур туманида “Сарчашмалик ёшлар шаҳарчаси” бунёд этилгани  
ҳақида хабар берилганди. Ушбу туманда хорижий инвестор иштирокида  
яна бир шаҳарча бунёд этилиш арафасида.**

Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ахборот хизматининг ёзишича, ушбу истиқболли келишув вилоят раҳбари Зойир Мирзаев ва “CANADIAN SOY INTEGRATED PRODUCTION” МЧЖ қўшма корхонаси раҳбари Насииб Довуд (Канадалик турк) билан ўтказилган расмий мулоқотда маълумланди.

Маълум бўлишича, корхона келажак-

да туманда 10 минг гектар ерда 15 миллион долларлик лойиҳани ҳаётга татбиқ этиш орқали 3000 га яқин туман аҳолиси учун иш ўрни яратиш ва “SOY CITY” (Соя шаҳри) қуришни режалаштирган.

Шунингдек, туманда 7 гектар майдонда Ўрта Осиёда ягона бўлган 100 тонна сояни қайта ишлайдиган завод ҳам қурилади.

**Ўз мухбиримиз.**


### Жиззах вилояти

## ОНА ЗАМИН САХОВАТИ


**Хандон писта таркибида фойдали микроэлементлар – ёғ, оқсил ва қандга  
бойлиги билан халқ табобатида кенг фойдаланилади.**

Абу Али ибн Синонинг табобатга оид асарларида жигар ва ошқозондаги қатор касалликларни даволашда яраларни битирувчи восита сифатида пистага катта ўрин ажратилган. Писта сурункали ўпка касалликларини даволашда ҳам қўлланилади. Минг йиллар давомида Шарқда пистани одам вужудидаги зарарли моддаларни чиқарувчи даво воситаси, деб ҳисоблашган.

**(Давоми 2-схифада)**



### ПИСТАЧИЛИК



## СУРХОНДАРЁДА "МАНЗИЛЛИ РЕЖА" АСОСИДА 36 МИНГ НАФАРДАН ЗИЁД ЁШЛАР БАНДЛИГИ ТАЪМИНЛАНДИ

**Ҳозирда Сурхондарё вилоятида 2 миллион  
629 минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат  
қилади. Уларнинг 584 минг 365 нафари 18 ёшдан  
30 ёшгача бўлган ёшлардир.**

Бу ёшларнинг 49 минг 924 нафари иш билан банд бўлмаган йигит-қизлардир. 2020 йилда бандлигини таъминлаш мақсад қилиб олинган 38 минг 570 нафар ишсиз ёшларнинг шу кунгача 36 минг 452 нафари доимий иш жойига эга бўлди. Йил якунига қадар яна 2 минг 118 нафарининг турли соҳалар бўйича бандлигини таъминлаш кўзда тутилган.

Жорий йилда 52 минг 102 нафар йигит-қиз таълим муассасаларини тамомлади. Шу кунгача улардан 8 минг 909 нафарининг иш билан бандлиги таъминланди. Таълим муассасалари битирувчиларининг 32 минг 684 нафари олий ўқув юрталарига ҳужжат топширган.

Битирувчи ёшларнинг 5 минг нафарга яқинининг олий таълимда тахсилни давом эттириши инobatга олинса, қолган 37 минг 644 нафарининг бандлигини таъминлаш бўйича ҳам "Манзилли режа" ишлаб чиқилган.

## "ФАРИДАНИНГ ИККИ МИНГ ҚЎШИҒИ" ЯНА БИР КИНОФЕСТИВАЛДАН ТАКЛИФ ОЛДИ

"Ўзбекино" Миллий агентлиги буюртмасига биноан "Fox Cinema" студияси томонидан суратга олинган "Фариданинг икки минг қўшиғи" бадиий фильми нуфузли Adelaide кинофестивалида иштирок этади. 1960 йилдан буён ҳар йили кўзда ўтказилиб келинаётган фестивал Жанубий Австралиянинг пойтахти Adelaide шаҳрида бўлиб ўтади.

Авалроқ, ушбу фильм Жанубий Кореяда бўлиб ўтадиган Пусан халқаро кинофестивалида қатнашиши ҳақида хабар берилган эди. Пусан кинофестивали Осиеининг энг йирик халқаро фестивалларидан бири ҳисобланади. Сценарий муаллифи ва режиссёр



Ёлқин Тўйчиев, постановкачи оператор Баҳодир Йўлдошев, постановкачи расм Бектош Ражабов, фильм директори Шавкат Ризаев. Ролларда: Баҳром Матчонов, Юлдуз Ражабова, Эльмира Раҳимжонова, Маржона Ўлжаева, Санобар Ҳақназарова, Нодира Ҳожикულიева ва бошқалар.

## ЎЗБЕК ТИЛИ ХАЛҚАРО МИНБАРЛАРДА БАРАЛЛА ЯНГРАМОҚДА

**Ҳадемай, Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги Қонуни қабул қилинганига ўттиз бир йил тўлади. Халқимиз миллий ғуруримиз ва фахримиз бўлган ўзбек тилини ардоқлаб келади.**

Дарҳақиқат, ўзбек тили халқимизнинг кўп асрлик маданий, илмий-маърифий ва бадиий тафаккури, интеллектуал салоҳиятининг бебаҳо махсулидир.

31 йил аввал "Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили ҳақида"ги Қонунининг қабул қилиниши ўзбек тили учун, бу тилда сўзлашувчи халқимиз учун муҳим тарихий воқеа бўлди. Бу мамлакат суверенитети ва мустақиллиги сари қўйилган дастлабки дадил қадам эди.

Бугун ўзбек тили сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий жабҳаларда фаол қўлланиб, халқаро минбарларда баралла янграмоқда. Тилимизга бўлган халқаро эътибор ва уни ўрганишга қизиқиш кучаймоқда. Бу мамлакатимизда давлат тилининг ўрни ва нуфузини оширишга қаратилган кенг қўламли ислохотлар натижасидир.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда давлат ва ҳукуматимиз томонидан миллий ғуруримиз ва фахримиз рамзи бўлган ўзбек тилини ривожлантиришга янада кенг аҳамият қаратилмоқда.

Жумладан, 2019 йил 21 октябрь куни мамлакатимизда давлат тилини тўлақонли жорий этишни таъминлаш мақсадида Президентимизнинг "Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони қабул қилинди. Мазкур фармонда давлат тили софлигини сақлаш, уни бойитиб бориш ва аҳолининг нутқ маданиятини оширишга қаратилган вазифалар назарда тутилди.

Жорий йил 10 апрель куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев "Ўзбек тили кунини белгилаш тўғрисида"ги қонунни имзолади. Қонун билан "21 октябрь – Ўзбек тили байрами куни" этиб белгиланди.

Ушбу байрам она тилимизга эътиборни юксалтириш, унинг бойлигини намойиш этиши, нафақат ўзбек халқи, балки бошқа миллатларни ҳам бебаҳо бойлигимиз ҳисобланган тилимиз ва маданиятимизни ўрганишга илҳомлантиришга хизмат қилади.

Таъкидлаш лозимки, бугун ҳар бир соҳада

миллий манфаатларимизни таъминлаш, маданиятимизни, азалий кадрларимизни, шу жумладан, она тилимизни асраб-авайлаш ва ривожлантириш масаласига устувор аҳамият қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ хизмати органлари ва унинг таркибидagi ташкилотларда ҳам давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш ва ҳужжатларни фақат давлат тилида олиб бориш бўйича тегишли вазифалар белгиланган. Давлат тилида иш қилиш борасида белгилаб берилган барча вазифалар ижроси таъминланиб, тўлиқ назоратга олинган. Бундан ташқари, солиқ тўловчилар билан муносабатларда уларга ҳурмат билан муурожаат қилиш ҳар бир солиқ хизмати ходими олдида қўйилган асосий вазифадир.

Халқимиз тарихан дипломатик ишларда етакчилардан бўлиб келган. Шу боис солиққа оид муносабатларга киришишда, солиқ низоларини ҳал этишда, солиқ тўловчиларга ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиришда муомала масаласи биринчи ўринга қўйилган.

**Сухроб ЗИЁДУЛЛАЕВ,**

*Давлат солиқ кўмитаси  
давлат солиқ катта инспектори.*

### Бухоро вилояти

## ХИТОЙЛИК ИНВЕТОР ГОФРА КАРТОН ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИНИ ҚУРМОҚДА

Юртимизда чет эллик инвесторларга яратиб берилган шарт-шароит, тадбиркорлик фаолиятига берилаётган имконият ва преференциялар тўғрисида ахборотга эга бўлган хитойлик бизнесмен Хи Вей жаноблари қаттиқ картон қоғози, яъни гофра қоғози маҳсулотини ишлаб чиқариш лойиҳаси билан ташриф буюрди. "CHINA XIANGYANG GROUP So Ltd" хорижий корхонаси таъсисчисининг шу йил феврал ойида тақдир этган лойиҳаси истиқболли деб топилди, у билан ўзаро тенг манфаатли ҳамкорлик шартномаси имзоланди.



"Ғиждувон" эркин иқтисодий зонасининг Когон тумани ҳудудидан Хи Вей учун 8 гектар ёр майдони ажратиб берилди. Бу ерда чет эллик тадбиркор умумий қиймати 15 миллион АҚШ доллари миқдоридagi шахсий сармоясини киритиш орқали ишлаб чиқариш корхонасини барпо этиб, маҳаллий аҳоли вакилларидан 300 нафарини иш билан таъминлашга қарор қилган.

Таъкидлаш керакки, гофра картон ишлаб чиқариш жараёни экологик жиҳатдан табиий кечад ва атроф-муҳитга ҳеч қандай зиёни йўқ. Шу боисдан, шу кеча-кундузда "CHINA XIANGYANG GROUP So Ltd" хорижий корхонаси томонидан қурилиш ишлари бошланган. Етмишга яқин динокор-қурувчи жалб қилиниб, ҳудуд атрофи девор билан ўраб олинган ва корхонага кириш йўлаклари барпо этилди, ҳудудда икки қаватли маъмурий бино қурилиши битай деб қолган.

Амалга оширилаётган ишлар, инвестиция лойиҳаларининг амалиёти билан яқиндан танишиш мақсадида куни кеча вилоят ҳокимининг ўринбо-

сари Ризо Асадов мазкур ҳудудда бўлиб, инвестор билан ҳам учрашди. Чет эллик ҳамкор лойиҳа асосида қарийб ярим гектар майдонда ишлаб чиқариш цехи ҳамда омборхона учун алоҳида павильон қурилишига тараддуд кўриляётгани, зарур юқори сифатли металл конструкцияларини ва ўрнатиладиган замонавий технологияни Хитойдан олиб келинишини, бунинг учун тадбиркор 7 миллион АҚШ доллари маблағ ажратганини билдирди.

Ишлар кўнгилдагидек кечса, йилига 16 минг 800 тонна ҳажмидаги гофра картон қоғози ишлаб чиқариш қувватига эга корхонани келгуси йил май ойида фойдаланишга топшириш кўзда тутилган. Айни кунда эса объектга коммунал-муҳандислик тармоқларини тортиш, электр энергияси, табиий газ ва тоза ичимлик суви билан таъминлаш, унга олиб борадиган йўлни қуришда вилоят ҳокимининг ўринбосари яқиндан ёрдам берилишини таъкидлади ва шу кунгача амалий ишга киришилди.

**Ўз мухбиримиз.**

### Тошкент вилояти



## ЭКОАКЦИЯ ДАВОМ ЭТМОҚДА!

**Бўстонлиқ туманидаги дам олиш масканларига олиб борувчи йўллар, ўрмон хўжаликлари ҳудуди, қадимда Буюк Ипак йўли ўтган афсонавий манзиллари, Қўқсув, Чотқол, Уғом, Пском дарёлари қирғоқларининг мўъжизавий табиати ва дунёнинг бор гўзаллигини ўзида жамлаган бетакор атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш мақсадида старт олган экоакция давом этмоқда.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Бўстонлиқ туманида бошқарувнинг алоҳида тартибини жорий этиш орқали туризмни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 6053-сонли Фармонида келтирилган вазифаларни бажариш мақсадида ишлаб чиқилган дастурга асосан туманда табиатни асрашга, саёҳат маданиятини шакллантиришга қаратилган экологик таригбот иши кенг қулоч ёйди.

Жорий йилнинг 12 сентябрь куни Бўстонлиқ тумани ҳокими ташаббуси билан Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси, Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш давлат кўмитаси, Ўзбекистон Республикаси давлат ўрмон хўжалиги кўмитаси ҳамкорлигида старт олган экоакцияда Тошкент шаҳридан туманимизга йўл олган кўнгилли волонтерлар ҳам иштирок этдилар. Ҳудудни чиқиндилардан тозалаш давомида саёҳат маданияти тарғиботи ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Курорт инфратузилмаси ривожланиши кўзда тутилган ҳудудларда 9 та махсус видеокамералар ўрнатилган. Эндилқда Экоинспекция томонидан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга асосан чиқиндиларни белгиланмаган жойларга ташлаганларга нисбатан жарима қўлланилиши ҳордик чиқарувчиларга ҳам тушунтириб берилди.

**Чимён қишлоғи ҳудудида ўтказилган экоакция таҳлили сабаб Бўстонлиқнинг хуш ҳавосида ҳордик чиқаришни режалаштирган ҳамюртларимизга муурожаат қиламиз:**

Бўстонлиқ азияду мукаррам зотлар дёғри ҳисобланади ва йиллар оша шундай бўлиб қолиши фақат ўзимизга боғлиқ. Табиатга озор берманг, саёҳат маданиятига риоя этинг!

**Бўстонлиқ тумани ҳокимлиги  
Ахборот хизмати.**

## ОНА ЗАМИН САХОВАТИ

### (Боши 1-саҳифада)

Хандон писта кўчатини парваришлаш деҳқондан эътибор ва тажриба талаб қилади. Боиси, бу ўсимликнинг ҳам ўзига хос инжиқликлари бор. Фақат кўчат ўтказишда писта икки уйли эканини, яъни нави борлигини унутмаслик керак. Одатда, эркак навлар ҳосил бермайди, она навларнинг сөрҳосил бўлиши эса уларнинг бир жойда парваришланишига боғлиқ. Шу боис, ҳар ўнта она навлдан кейин битта эркак нави шамолнинг эсиш томонига қараб экиш тавсия этилади. Писта дарахти минг йилгача умр кўради. Аммо шунга муносиб тарзда ўсиш суратлари ҳам секин.

Ўрмончилар ташаббуси билан ўлкаимизнинг тоғ ва тоғолди ҳудудларида иқлим шароитимизга мос пистазор боғлар кўпайтирилмоқда. Жараёнда Жиззах Давлат ўрмон хўжалиги Ғаллаорол тумани бўлими "Оқтош" массивида 100 гектардан ортиқ майдондаги пистазор боғ мамлакатимизда бу йўналиш ривожида муҳим манба вазифасини ўтаётти. Ушбу боғда Аширон, Орзу, Жиззах нави, Боботўғ, Ғаллаорол, Тоғ маликаси каби ўнлаб турдаги ҳосили юқори писта дарахтлари парваришланмоқда.

Айни вақтда боғдаги писта



ҳосили пишиб етилди. Шоҳида маржондай тизилган хандон писта довчалари бир қарашда кўзни қувнатлади. Она табиатнинг бу инъоми узоқ йиллик мөҳнат самарсидир.

– Хандон писта ўзига яраша иқлим шароитига мос ҳудудларда етиштирилади, – дейди селекционер олим Лазокат Азимова. – Писта маҳсулотини катта даромад манбаи бўлиб мамлакат иқтисодига катта фойда келтиради. Хандон пистадан Эрон ва Америка Қўшма Штатлари қишлоқ хўжалигида миллиардлаб доллар даромад олинади. Бу давлатлар

пистадан даромад олишда махсус ишлов бериб ҳосилдорликни ошириш учун шароитлар яратишади. Бундай табиий шароитдаги ерлар юртимиз ҳудудларида жуда кўп. Унутмаслигимиз зарур, ёгингарчилик ўз вақтида кам бўлиши, бошқа экин турлари ҳосилдорлигига ўз таъсирини ўтказяпти. Аммо бу табиий ўзгаришларнинг пистачилик соҳасига таъсири кам. Шунинг учун ҳам бу соҳани ривожлантириш мақсадида 3 миллион гектар лалми ҳудудларга писта экишни режалаштирганмиз. Натижада олис қишлоқлардаги маҳаллий аҳоли ҳам иш билан таъминла-

нади. Бизнинг асосий вазифамиз ҳудудларда иқлим шароитига мос, янги навларни яратиш орқали улкан пистазор боғлар ташкил этишдан иборат.

Мазкур Ғаллаоролдаги боғ юртимиздаги янги турдаги писта навларини яратиш ва ҳосилдор мевали кўчатлар етиштиришда муҳим плантация вазифасини ўтамоқда. Сабаби, бу ерда ўтган асрда ноёб ҳисобланган 22 турдан ортиқ писта навлари алоҳида эътибор билан парваришланмоқда.

– Ушбу писта дарахтларининг меваси мазали, йирик, – дейди Ўрмон хўжалиги илмий тадқиқот институти таянч докторанти Мунира Иномова. – Бир дона мевасининг вазни 12-14 граммни ташкил этади. Ёнғоқ пўсти икки томонга ўртача ва тўлиқ асосигача навлар сарасига қиради. Мисол учун, Ширин, Ситора, Ўзбекистон, Ғаллаорол нави хандон писталарининг меваси йирик, ўлчами 20x12x12 мм. 100 дона мевасининг вазни 100-110 грамми ташкил этади. Меваси икки томонга тўлиқ ажралади. Мева магзининг ажраллиши умумий ҳосилнинг 85 фоизни

ташкил этади. Дарахт бўйи 3,4-4 метр. Асосий тана йўғонлиги 20-30 сантиметр. Уруғидан етиштирилганда дарахтлар 10-12 йилда, вегетатив усулда кўпайтирилганда 8-10 йилда тўлиқ ҳосилга қиради. Оралиги 8x8 метр усулда экилган дарахт гектарига 18-20 центнер ҳосил беради.

Айтиш жоизки, ўрмон хўжалиги Давлат кўмитаси, қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш маркази вакиллари, олимларнинг саъй-ҳаракати билан мазкур боғда 13 та ҳосилдор навлар аниқланиб, қишлоқ хўжалик экинлари давлат нав синаш комиссиясига тақдим қилинди. Йил якуни билан давлат реестрига киритилиши назарда тутилган ушбу навлар келгусида катта майдонларда пайвандлаш усулида кўпайтирилади. Бунинг учун ҳозирда Жиззах давлат ўрмон хўжалигининг Ғаллаорол бўлими "Оқтош" массивида 10 гектардан зиёд майдонда кўчат етиштириш ишлари бошлаб юборилган. Бундан ташқари, интенсив усулда ҳам кўчатлар етиштирилмоқда.

**Тургун ЎРОҚБОВЕВ,**  
журналист.

Шу кунларда Жиззах вилоятида ҳам пешона тери ва минг машаққатлар эвазига бунёд бўлган пахта ҳосилини ёгин-сочинли кунларга қолдирмай, қисқа фурсатларда йиғиб-териб олиш жараёнлари бошланиш арафасида. Бу йил воҳамиз миришкорлари томонидан 78 минг 100 гектар майдонда пахта парваришланиб, мазкур далаларда эрта баҳордан то ҳозирга қадар муҳим агротехник тадбирлар амалга оширилмоқда. Натижада 219 минг 400 тонна сифатли пахта хомашёсини йиғиштириб олиш кутилапти.

## МАВСУМ ОЛДИДАН КЎРГАЗМАЛИ ЎҚУВ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

**Фермер хўжаликлари томонидан етиштирилаётган ушбу “оқ олтин” ҳосили вилоятимизда фаолият юритаётган 5 та пахта тўқимачилик ва 1 та ихтиёрий равишда ташкил этилган кооперацияларга қарашли 14 та пахта қабул қилиш масканларига сифат кўрсаткичлари ва кондицион вази бўйича қабул қилиниб, кейинги босқичларда сифатли пахта маҳсулотларини олиш учун уни қайта ишлаш жараёнлари давом эттирилади.**

Тўқимачилик саноатининг муҳим ҳисобланган пахта толасининг сифати нафақат сақланиши ва қайта ишлаш жараёнининг тўғри ташкил этилиши, балки далалардаги пахтани сифатли териб олиш, уларни масканларга қабул қилиш ва гарамларга нави, намлик ва ифлослик кўрсаткичи бўйича тўғри жамлашга ҳам боғлиқ.

Вилоятнинг Дўстлик туманидаги “Sangzor Textile” МЧЖга қарашли Манас пахта қабул қилиш масканида ташкил этилган ўқув семинари аввалида ҳам шу каби маълумотлар йиғилганларга етказилди. Карантин қойдаларига амал қилинган ҳолда ўтказилган кўргазмали тадбирда инспекциянинг Жиззах вилояти бошқармаси ходимлари ҳамда “Ўзагроинспекция” қошидаги “Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази” давлат унитар корхонаси, “Ўзстандарт” агентли-

гининг вилоят филиали, “Sangzor Textile” МЧЖ вакиллари ва мутахассислари иштирок этишди. Қизиқарли савол-жавоб ва маълумотларга бой тарзида кечган семинарда асосий эътибор пахтани қабул қилиш, пахтадан намуна олиш, ҳосил сифатини аниқлаш ҳамда ушбу жараёнларда вужудга келиши мумкин бўлган муаммоларни бартараф этиш каби масалаларга қаратилди. Шу билан бирга қабул қилиш жараёнларида меъёрий ҳужжатларга киртилган ўзгартиришлар тўғрисида батафсил маълумотлар берилди.

– Пахтанинг сифат кўрсаткичларини аниқлаш ва тарозиде тортиш ишлари бир неча босқичларда амалга оширилади ҳамда ушбу жараёнда пахтани топшириш ва қабул қилиш иштирокчилари томонидан пахтани қабул қилиш, синовларни ўтказиш тартиби бўйича низоли ҳо-

латлар ҳам учраб туради, – дейди “Ўзагроинспекция”нинг Жиззах вилояти бошқармаси бошлиғи ўринбосари Хайридин Суяров. – Пахта топширувчи фермер хўжаликлари ва қабул қилувчи корхоналар ўртасида пахта хомашёсининг сифат кўрсаткичларини аниқлаш юзасидан вужудга келадиган тушунмовчиликларни ўрганиш ва синов таҳлилларининг меъёрий ҳужжатлар талаблари асосида ҳолисона ўтказилиши устидан тизимли назоратни “Ўзагроинспекция” амалга оширади.

Шу билан бирга, пахтани қабул қилишда саноат нави, ифлослиги, намлиги ва миқдорини тўғри аниқлаш фермер хўжалиғи томонидан топширилаётган пахтанинг харид нархларини ҳаққоний белгилаш, пахтанинг кондицион вази бўйича адолатли устама ва чегирмалар қўллашда муҳим

ўрин тутди.

Ўқув семинари давомида мавсумга пухта тайёргарлик кўриш, пахтани қайта ишлаш корхоналари ҳамда қабул қилиш масканларида пахта тўқимачилик кластерлар, кооперациялар ва фермер хўжаликлари ўртасида юзага келиши мумкин бўлган низоли ҳолатларда эътибор қаратилиши лозим бўлган масалалар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди. Хусусан, қабул масканларига келтирилган пахта хомашёсидан намуна танлаб олиш, саноат нави, синфи, намлиги, ифлос аралашмаларнинг массавий улушини аниқлаш, лаборатория текширувларини ўтказиш тартиблари, меъёрий ҳужжатлар асосида иш ташкил этиш каби масалаларга алоҳида тўхталиб ўтилди. Унинг якунида иштирокчиларга 2020 йил пахта ҳосилини қабул қилишда пахтанинг сифати ва миқдорини аниқлаш, шунингдек, низоли ҳолатларни кўриб чиқиш бўйича тавсияларни ўз ичига олган методик қўлланмалар тарқатилди.

**Умирзоқ ҲАМДАМОВ,**  
“Ўзагроинспекция” Жиззах вилояти бошқармаси Ахборот хизмати раҳбари.



Фарғона вилояти

## ҚАЛАЙНАВ ОЛМАЛАРИ

**Риштон туманида мевазор боғлар кўп. Илгари пахта яккаҳоқимлиги кучайган даврда мевали дарахтлар кам экиларди. Агар дарахтзорлар пахта экиладиган майдонга яқин бўлиб қолса, бузиб ташланарди.**

Аста-секин бундай сиёсатга барҳам берилди. Туманнинг юқоридаги дашт ҳудудида алоҳида “Ўрикзор” мевачилик давлат хўжалиғи тузилди. Кейинчалик бу давлат хўжалиғи тугатилди, унинг ўрнига ҳозирги Қалайнав қишлоғида боғдорчиликка ихтисослашган “Ўрикзор” ширкат хўжалиғи тузилди. Бу хўжалик ҳам узоққа бормади. Мамлакатимизда мустақиллик туфайли мулкчилик шакли ўзгарди. Шунда бу ширкат хўжалиғи ҳам бошқа хўжалиқлар қатори тугатилиб, ўрнига фермер хўжаликлари тузила бошлади.

Хуллас, меҳнат аҳлининг кўксига офтоб тега бошлади. Эски ўрикзор ерлар тендер ўтказиш йўли билан собиқ ширкат хўжалиғи аъзоларига ва шу қишлоқлик одамларга берилди. Юзлаб кишилар фермерликка ўтиб, боғ яратдилар.

– Мен ошпаз бўлиб ишлар эдим, – дея эслайди деҳқон хўжалиғи бошлиғи Ҳибатулла Вайдуллаев. – Фермер ва деҳқон хўжаликлари тузганларга ер беришпти, деган гапни эшитиб, идорага бордим. Тендер шартлари билан танишдим, ҳужжатлар тайёрлаб 0,50 сотих ер олдим. Аммо элполмасам керак, деб кўп ер олишга кўрқдим. Яна бир оз ошпаз бўлиб ишлаганимдан кейин ишни ташлаб боғларга астойдил қарай бошладим. 2005 йилда олган еримни шафтолизор қилдим. Туксиз луччак шафтоли тез ҳосилга кирди ва меваси салмоқли бўлди. Йилдан-йилга даромадим ошарди. Тўққиз йил ўтиб шафтолиларни кўчириб, ўрнига қирмизи олмалар экиб парваришлай бошладим. Ҳозир жуда тобиға келди-да. Тадбиркорларга бир терийшда 60 миллион сўмлик олма сотмоқдаман.

Ҳибатулла Вайдуллаев боғ ишини пухта ўзлаштириб олиб, катта йўлнинг пастки томонидан яна бир гектар ер олди, унга асосан олма, шафтоли, гилос кўчатлари экди. Бўш қолди, дегунча ўша ёққа бориб, дарров мевали дарахтларини парваришлагга киришди. Янаги йилдан мўл ҳосил берадиган бу боққа меҳр қўйиб, хато қилаётгани йўқ.

– Хонадонда ҳам 8 сотих атрофида боғимиз бор, – дейди Ҳибатулло. – Унга ҳам фарзандлар билан бирга ўз вақтида қараймиз, ишлов берамиз. Бу боғлар оиламиз фаровонлигининг гарови бўлиб қолган.

Қалайнав қишлоғида Ёқубжон Шокиров, Олимжон Шокиров, Қудратулла Жумаев каби бир неча боғбонлар мевалар сақланадиган совуқчи омборлар қуришган. Қишлоқ боғбонларининг кўпчилиги шу омборларда қиш учун захира меваларини сақлайдилар. Бундан кўпчилик хурсанд.

**Ҳамиджон БУРҲОНОВ,**  
“Qishloq hayoti” мухбири.

### Навоий вилояти

**Навоий вилояти ФХДЭ архивида ҳужжатлардан нусха кўчириш учун замонавий сканерловчи қурилма ўрнатилди. Мазкур аппарат 5 сонияда ФХДЭ далолатнома ёзувларини сканер қилинган тарздаги электрон кўринишини муҳрлайди.**

## НАВОЙДА ДАЛОЛАТНОМА ЁЗУВЛАРИНИ СКАНЕРЛОВЧИ ҚУРИЛМА ИШГА ТУШДИ

Германиядан келтирилган қурилманинг ФХДЭ электрон архивини рақамли кўринишга келтиришдаги аҳамияти эътирофли.

Чунки, ахборот тизимига далолатнома ёзувлари тўғрисидаги маълумотларни киритиш билан биргаллик, далолатнома ёзувларини сканер кўринишда ҳам киритиш лозим.

Айни кунда Навоий вилояти ФХДЭ архивида 2290500 та далолатнома ёзувлари сақланиб келинмоқда.

Шуни таъкидлаш жоизки, ФХДЭ архивида мавжуд далолатнома ёзувлари йиғма жилд шаклига келтирилган. Далолатнома ёзувларининг ҳар бир тури бўйича архив фонди китоби юритилган.

Ҳозирда архивда ҳар бирида 250 тадан далолатнома ёзувлари киритилган китоб, яъни 9162 та далолатнома ёзувларининг йиғма жилди мавжуд.

**Отабек АСЛОНОВ,**  
“Qishloq hayoti” мухбири.

### Сирдарё вилояти

## ВИЛОЯТДА БИРИНЧИ

**Боевум тумани Ш. Рашидов номли сув истеъмолчилари уюшмаси ҳудудидаги А. Мингбоев раҳбарлик қилаётган “Нурулла Юлдуз файз” фермер хўжалиғи пахтакорлари шу йил 14 сентябрь куни давлатга пахта сотиш шартнома режасини вилоятда биринчи бўлиб бажардилар.**

Хўжаликда 21,3 гектар майдоннинг ҳар гектари-дан шартнома режасидаги 25,4 центнер ўрнига 28,5 центнердан сифатли хомашё йиғиштириб олинди. Фермер хўжалигининг Гулноза Оқжигитова, Камола Каримбердиева, Дилноза Мирзабекова каби аъзолари кунига хирмонга 180-200 килограммдан пахта тўкиб, зафар маррасининг барвақт эгалланишини тезлаштирдилар.

Пахта йиғим-терими ҳам оила иқтисодини яхшилаб олиш учун катта имконият, – дейди фермер хўжалигининг аъзоси Гулноза Оқжигитова. – Мавсум бошлангандан бери ўтган беш кун ичида ҳар куни 200 килограммдан пахта териб, 1 миллион сўм терим ҳақи олдим. Мавсум охиригача ҳашарда фаол қатнашиб, теримнинг ўзидан камида 5 миллион сўм

пул топаман. Бу оиламиздаги кам-кўстларни тўғри-лаб олишда жуда асқотади. Бекордан худо безор, дейдилар. Шунинг учун қишлоқдаги бекорчи, кўн-гилли хотин- қизларни пандемия қондаларига риоя қилган ҳолда қимматли бойлигимизни йиғиб-териб олишда қатнашишга даъват этаман. Бу соғлигингиз учун ҳам, иқтисодингизни яхшилаб олишингиз учун ҳам жуда фойдалар.

Режа бажарилган бўлса-да хўжалик далаларида ҳали ҳосил мўл. Ўз имкониятларини қайта чамалаб кўрган “Нурулла Юлдуз файз” фермер хўжалиғи аъзолари айни вақтда ҳам йиғим-теримни уюшқоқлик билан давом эттириб, ҳосилдорликни 30 центнерга етказиш учун курашмоқдалар.

**Бозорбой БЕКМУРОДОВ**

### Долзарб мавзу

## ПЛАСТИК КАРТАДАГИ ПУЛЛАРНИ ФИРИБГАРЛАРДАН ҚАНДАЙ САҚЛАШ КЕРАК?

**Пандемия шароитида пластик карта билан бажариладиган амалиётлар ортиб бориши билан пластик карталардан маблағларни ўзлаштириш (ўғирлаш) билан боғлиқ фибригарлик ҳолатлари ҳам ортмоқда. Айниқса, интернет тармоғи, хусусан, ижтимоий тармоқларда янгидан янги фибригарлик турлари пайдо бўлмоқда.**

Хусусан, сўнгги пайтларда телеграм месенжеридеги турли каналларда “**гуруҳга шунча одам қўшсангиз, ҳисобингизга бунча маблағ ўтказиб берамиз**” мазмундаги эълонлар кўпайиб бормоқда. Уларнинг шартларини бажарганингиздан сўнг фибригарлар ўзини банк ходими ёки турли акциялар ташкилотчиси сифатида таништириб, картага маълум миқдорда пул ўтказиб беришини, бунинг учун эса карта рақамини ва карта эгасининг мобил телефонида келган “тасдиқловчи код”ни сўрашади.

Ушбу кодни уларга зинҳор ошкор қилмаслик керак ҳамда бундай шахслар ҳақида ички ишлар органларига хабар бериш мақсадга мувофиқ.

киритиш кифоя қилади ва дунёнинг исталган жойидан интернет орқали тўловни амалга ошириш мумкин.

Интернет орқали амалга ошириладиган харидларда зарур суммани асосий картадан қўшимча виртуал “Visa” картасига ўтказиб, тўловни виртуал карта реквизитлари орқали амалга ошириш тавсия этилади.

Бундан ташқари, халқаро банк карталари эгаларидан банк картаси реквизитлари ва CVV (CVC) кодларини бегона шахсларга ошкор қилмаслик ва интернет-сайт “3D secure” хавфсизлик хизматини ишлатган тақдирда тўловларни амалга ошириш жараёнида ундан фойдаланиш лозим.

### МУҲИМ ЭСЛАТМАЛАР!

Агар сизга кимдир пул ўтказишни хоҳласа унга пластик картангизнинг рақамини бериш етарли. Бошқа маълумотларни ошкор қилманг!

Агар сизга банк номидан шубҳали кўнги-роқ ёки SMS хабарнома келса, ўзингиз банкка кўнги-роқ қилиб аниқлик киритинг.

Интернет тармоғида ва ижтимоий тармоқлардаги ҳар хил мобил иловаларни телефонингизга юклаб олманг ҳамда уларга кодларни киритманг.

Транзакциялар тўғрисида хабарнома хизматини ёқтиринг, иложи бўлса карта орқали қилинадиган сарф-харажатларга чеклов (лимит) ўрнатинг.

Агарда пластик карта ҳисоб рақамингиздан пул ўғирланганини билсангиз зудлик билан банкка ҳамда ички ишлар органларига мурожаат қилинг.

Кибержиноятчилар ижтимоий тармоқлар орқали ҳар хил вақтлар билан карта эгаларига SMS хабарномалар жўнатмоқда. Бундай хабарларга асло жавоб берманг!

Савдо ва хизмат кўрсатиш нуқталарида тўловни амалга ошириш чоғида эса бегона шахсларга шахсий пинкод рақамини ошкор қилманг!

**Банк Ахборот хизмати**

# ПАХТА ЙИГИМ-ТЕРИМИНИ УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ЎТКАЗАЙЛИК!

## ЎЗБЕКИСТОН ФЕРМЕР, ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ ВА ТОМОРҚА ЕР ЭГАЛАРИ КЕНГАШИНИНГ МАМЛАКАТИМИЗ АҲОЛИСИГА

### МУРОЖААТИ

#### АЗИЗ ДЕҲҚОНЛАР ВА ФЕРМЕРЛАР!

Мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислохотлар натижасида фермер хўжалиklarининг ер, сувдан унумли ва самарали фойдаланиши йилдан-йилга яхшиланиб бормоқда. Жорий йилда давлатимиз раҳбарининг “Пахтачилик соҳасида бозор томоилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда “Галла етиштириш, харид қилиш ва сотишга бозор томоилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари қабул қилинди. Ушбу қарорлар қишлоқ хўжалигида эркин рақобатни таъминлаб, бозор иқтисодиёти томоилларини жорий этишга йўналтирилган бўлиб, пахта ва галла етиштиришда давлат буюртмаси, харид нархининг белгиланишини босқичма-босқич бекор қилиб, деҳқонларимиз меҳнатининг иқтисодий самарадорлиги ҳамда манфаатдорлиги ошишини кафолатлайди.

**ЮРТИМИЗДА ПАХТА ЙИГИМ-ТЕРИМИ МАВСУМИ БОШЛАНИШ АРАФАСИДА. АЙНИ ПАЙТДА, ОЛДИМИЗДА ДОЛЗАРБ МАВСУМИ УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ЎТКАЗИШ, АҲОЛИНИ КЎНГИЛЛИ РАВИШДА ТЕРИМГА ЖАЛБ ЭТИШДЕК ЎТА МАСЪУЛИЯТЛИ ВАЗИФАЛАР ТУРИБДИ.**

Эрта кўламда, об-ҳавонинг ёгин-сочинли келиши натижасида аксарият майдонларда чигит ҳаттоки уч маротабагача қайта экилди. Ҳаво ҳарорати ҳар йилги меъёридан анча паст бўлди. Саратовдаги кучли иссиқ ҳам гўза ривожига салбий таъсирини кўрсатди. Шунга қарамай, далаларимизда белгиланган режани ортинги билан бажаришга етadиган ҳосил етиштирилди. До-нишманд халқимиз айтганидек, “Галвирни сувдан кўта-радиган вақт келди”. Эндиги вазифамиз – машаққатли меҳнатлар эвазига етиштирилган ҳосилни ёгин-сочинли кунларга қолдирмай, тез ва соз йиғиштириб олишдир.

#### ҲУРМАТЛИ ФЕРМЕРЛАР!

Далада етиштирган пахтани тез ва сифатли те-риб олиб, юқори навларга топшириш учун куйидаги ишларни амалга оширишингиз талаб этилади:

▶ пахта йиғим-теримида кўнгилли бўлиб кел-

ган теримчиларнинг ётоқ жойларини сифатли таъмирлаб, зарур буюмлар билан жиҳозлаш ва шарт-шароитлар яратиш;

▶ теримчиларни талаб этиладиган этак (фар-тук), тарози ва бошқа зарур анжомлар билан таъ-минлаш;

▶ пахта даласини теримга шай ҳолатга кел-тириб қўйиш (пахта даласига борадиган йўллари тозалаш, унга сув қўймаслик, инсон соғлиғига зарар келтирадиган маҳаллий ва минерал ўғитларни тегишли тартибда жойлаш ва тўпроқ билан ўраш, меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлигига риоя этиш ва бошқалар);

▶ теримчиларни эрталабки нонушта ва иссиқ овқат билан таъминлаш.

Фермер хўжаликларини раҳбарлари, Сизлар ўзингиз яшаб турган маҳалланинг энг ташаббускор, фидойи-лари ва етакчи кучларидан бири эканингизни унутманг. Ўзингизнинг олижаноб ҳимматингиз билан шу халқнинг ардоғига эришинг!

Жорий йилда етиштирилган ҳосил биринчи марта диёримизда тўлиқ қайта ишланиши давлатимиз иқтисо-диёти, халқимиз фаровонлигига муҳим ўрин тутишини юракдан ҳис этайлик!

**ПАХТА ТЕРИМИГА 18 ЁШГА ТЎЛМАГАН ЙИГИТ-ҚИЗЛАРНИ, БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ИШЧИ-ХОДИМЛАРИНИ ЖАЛБ ҚИЛИШГА УРИНМАНГ, (КЎНГИЛЛИЛАР ОИЛА БЮДЖЕТИГА МАБЛАҒ ИШЛАБ ОЛИШИ УЧУН ДАМ ОЛИШ ВА ИШДАН ТАШҚАРИ ИХТИЁРИЙ ЯШАШ ЖОЙИДАН УЗОҚ БЎЛМАГАН ЯҚИН ДАЛАЛАРДА ПАХТА ТЕРИМИГА ЧИҚИШИ БУНДАН МУСТАСНО) ШУНИНГДЕК, МАЖБУРИЙ МЕҲНАТНИНГ ҲАР ҚАНДАЙ ШАКЛИГА ҚАРШИ ТУРИНГ. ЧУНКИ, МАМЛАКАТИМИЗДА МАЖБУРИЙ МЕҲНАТДАН ФОЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК ЯНАДА КУЧАЙТИРИЛГАНИНИ УНУТМАНГ!**

#### ҲУРМАТЛИ КЕНГАШ РАИСЛАРИ ВА РАЁСАТ АЪЗОЛАРИ!

▶ 2020 йил пахта ҳосилини нес-нобуд қилмасдан уюшқоқлик билан йиғиб-териб олишни ташкил этиш бўйича вақтинчалик тартибга мувофиқ пахта тери-мида қатнашадиган теримчилар, терим отрядлари ва отряд раҳбарлари рўйхатининг шакллантирилишини;

▶ беш кун муддатда керак бўлса, теримчилар билан ҳар кун ҳисоб-китоб қилиб, туманларда пах-та йиғим-теримида жалб этиладиган теримчилар рўйхатини қайта кўриб чиқиш, ҳар бир терим отряди раҳбари ва теримчи, айниқса, уюшмаган аҳоли билан алоҳида суҳбат ўтказишлигини;

▶ ҳар бир терим отряд таркибиде бу йилги пан-демия шароитини ҳисобга олган ҳолда 70 нафардан ортиқ бўлмаган теримчи бўлишини, ҳар бир отряд ва пахта терими марказларининг аниқ вазибалари белгилаб берилишини;

▶ пахта йиғим-теримида жалб этиладиган терим-чилар терини режалаштириладиган пахта хомашёси миқдори бўйича тақдимномалар тайёрланишини ва теримчиларнинг сонидан келиб чиқиб, улар учун зар-рур бўладиган турар жойлар дислокациялари ишлаб чиқилишини;

▶ пахта йиғим-теримида жалб этилган фуқаро-ларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, кўчма савдони, маданият ва маиший хизматларни ҳамда кўчма тиббий кўриқларнинг ташкил этили-шини;

▶ 2020 йил 20 сентябрга қадар уюшмаган аҳо-лининг кўнгилли теримчиларини оммавий оферта асосида пахта ҳосилини йиғиб-териб олишга жалб қилиш мақсадида ҳар бир туман (шаҳар)ларнинг аҳоли ағъвўй жойларига баннерлар жойлаштирилишини таъминлашда кўмаклашине.

#### АЗИЗ ВАТАНДОШЛАР!

Теримчилар меҳнатига ҳақ тўлаш борасида пахта майдонининг ўзида кунлик ёки ҳар беш кунлик ҳисоб-ки-тоб қилиниши эса дала меҳнатқашлари учун яратилган қулайликлардан биридир.

Бу йил пахта хом ашёсининг қўлда терилган 1 ки-лограмми учун биринчи теримда 1000 сўм, иккинчи теримда 1400 сўмдан нақд пулда меҳнат ҳақи берилиши белгиланди.

Жиззах, Сирдарё, Тошкент вилоятларининг бар-

ча туманларида, Қорақалпоғистон Республикасининг Қонликўл, Қораўзақ, Кегейли, Кўнғирот, Тахтакўпир, Хўжайли, Шуманай, Чимбой ва Нукус туманлари, Қашқа-дарё вилоятининг Косон, Муборак, Миришкор, Нишон, Касби, Қарши туманларида, шунингдек, Сурхондарё вилоятининг Қизилқум, Бандихон, Музработ ва Шеробод туманларида пахта хомашёси йиғим-теримида теримчи-ларни қўшимча жалб қилиш мақсадида қўлда терилган ҳар бир килограмм пахта хомашёси учун тавсия этилган меҳнат ҳақиغا Ўзбекистон Республикаси бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан 200 сўмдан устама ҳақ тўланиши белгилаб қўйилди.

Пахта йиғим-терими мавсумида терим отрядлари раҳбарларига фуқаролик-хуқуқий шартномалар асо-сида, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармаси маблағлари ҳисобидан 2 миллион сўмдан меҳнат ҳақи тўланади.

Жиззах, Қашқадарё, Сирдарё ва Тошкент вилоятла-рида пахта териш машиналари ёрдамида терилган ҳар бир тонна пахта хомашёси учун тўланадиган меҳнат ҳақининг 30 фоизини Молия вазирлиги томонидан қо-лаб бериш тартиби жорий этилди.

Бу йил ҳосилнинг асосий қисми асосан фермер хўжалиklarининг ишчи кучи ёрдамида йиғиштириб олиниши режалаштирилган. Терим отрядларига эса кўнгилли равишда аҳоли, яъни, меҳнатга лаёқатли бўлган кишилар жалб этилади.

Теримга жалб қилинадиган ҳашарчилар учун ший-понлар ва ётоқхоналар жойлашуви режаси тасдиқла-ниб, зарур шарт-шароитлар яратилди. Ҳашарчиларни далама-дала, бир кунлик масофага олиб бориб келишга йўл қўйилмайди. Улар жиҳозланган ётоқхоналарда ётиб, теримда иштирок этади.

#### АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

Пахта йиғим-терими мавсумида шундай кўтарин-киликни ташкил қилайликки, бобдеҳқон елкасидаги юкни кўтаришга камарбаста бўлиш, эл-юрт ташвишига шериклик қилиш, деҳқоннинг зафарларидан фахрланиш, гурурланиш ҳисси юрагингизда жўш урсин!

Барчангизни мазкур эзгу ишда иштирок этишга чор-лаб, иқтисодиётимизни юксалтириш, она юртимизнинг янада обод бўлиши учун муносиб ҳиссангизни қўшишга ва пахта йиғим-теримида фаол қатнашишга даъват этамиз!

**ЎЗБЕКИСТОН ФЕРМЕР, ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ ВА ТОМОРҚА ЕР ЭГАЛАРИ КЕНГАШИ**

#### РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**ФЕРМЕР ВА ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ, ТОМОРҚА ЕР ЭГАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

**«ЧИРЧИҚ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАСИ ЗАВОДИ» АЖ**

Куйидаги қишлоқ хўжалиги техникалари сотилишини маълум қилади:



Манзил: 111714, Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри Алишер Навоий шоҳ кўчаси 92-уй.

Мурожаат учун телефонлар: (+998 70) 716-21-58, (+998 97) 737-68-15.

e-mail: chrcx@ptel.ru Хизматлар лицензияланган. Маҳсулотлар сертификатланган.

#### ДИҚҚАТ ЭЪЛОН!

“Ўзгросуғурта” акциядорлик жамияти Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Й.Ғуломов кўчаси, 1-уй манзилида жойлашган маъмурий бино реконструкцияси учун тендер эълон қилади.

Тендерда иштирок этувчилар объект учун тижорат тақлифларини бир ой муддатда тақдим этишлари сўралади.

Батафсил маълумотни [harid.uz](http://harid.uz) веб-сайтидан олишингиз мумкин.

#### ОБУНА – 2021

#### АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, хусусан, қишлоқ жойлардаги улкан бунёдкорликлар, одамлар онгу тафаккуридаги ўзгаришлар, қишлоқ ҳаётининг жонли манзаралари билан танишиш истагида бўлсангиз,

**“Qishloq hayoti”**

**ГАЗЕТАСИ УЧУН 2021 ЙИЛГА ОБУНА БЎЛИШГА ШОШИЛИНГ!**

Бунинг учун обуна уюштирувчи ташкилотларга, шунингдек, таҳририятнинг ўзига ҳам мурожаат этишингиз мумкин.

**НАШРИМИЗ ИНДЕКСИ – 144**

**МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 236-26-50, 233-44-43, 233-28-04. ФАКС: 233-44-43. E-mail: info@qishloqhayoti.uz**



**Qishloq hayoti**

#### МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркибидеги ҳамда бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир: **Чори ЛАТИПОВ**

Таҳрир ҳайъати:  
Жамшид ХЎЖАЕВ,  
Шавкат ҲАМРОЕВ,  
Шухрат ТЕШАЕВ,  
Муҳаммаджон  
ТОШБОЛТАЕВ,  
Ақтам ҲАИТОВ,  
Ботир СУЛАЙМОНОВ,  
Маҳмуд ТОИР.

Ҳабиб ТЕМИРОВ  
(Бош муҳаррир ўринбосари)

Раимқул СУЯРОВ  
(Бош муҳаррир ўринбосари)

Саҳифаловчи-дизайнер  
**М.ЮСУПОВ**

Телефонлар: Қабулхона – 236-26-50. Аграр масалалар бўлими – 236-26-47. Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 233-76-78. Факс – 233-44-43, 233-09-93. Реклама ва эълонлар – 236-26-50, 233-28-04. web sayt: [www.qishloqhayoti.uz](http://www.qishloqhayoti.uz) e-mail: [info@qishloqhayoti.uz](mailto:info@qishloqhayoti.uz)

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган. Буюртма Г-925, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилди, қозғ бичими А-2. Манзилми: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. 3 687 нусхада чоп этилди. НАШР ИНДЕКСИ – 144.

Газета “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй. 1 2 3 5 6

Баҳоиси келишилган нарҳда.

ISSN 2010-7021



Босишга топшириш вақти: 21.00  
Босишга топширилди: 20.00